

Meros

№ 2/2022

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680-16.02.2018.
ISSN № 2181-9017

М У Н Д А Р И Ж А

МАНБАШУНОСЛИК

Каримова С. Абу Райҳон Беруний “Китоб ас-сайдана фи-т-тибб” асари форсча таржимасининг қўлёзмалари ҳақида..... 3
Абдуҳалимов Б. Образцы залоговых документов из энциклопедии Абу Хафса ан-Насафи 11
Тошов Н. Жувайнийнинг “Тарихи жаҳонгушо” ва Рашидиддиннинг “Жоме ат-таворих” асарлари қиёсий тадқиқи 16
Бўриев О. Ҳофиз Шерозий дастхатидаги энг қадимги қўлёзма..... 26
Якубов Қ. Хива хонлиги фатво ҳужжатлари: репрезентация, қозилик амалиёти ва манбашунослик таҳлили ……..... 30

ТАРИХШУНОСИК

Алимова Д. Некоторые вопросы историографии социально-экономических отношений древнего и античного периодов Узбекистана..... 45
Абдурасулов Х. Мясная торговля в Туркестанском генерал-губернаторстве во второй половине XIX – в начале XX века 59

АРХЕОЛОГИЯ

Шомукарамова Ф. Тасодифий топилмалар – Туркистон археологиясининг дебочаси..... 69

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Ходжаева Р. Аллома Имом Замахшарий мақомаларининг маънавий-эстетик хусусияти ва тарбиявий аҳамияти..... 82
Эшонова С., Зокирова Д. Фироқий Хўқандийнинг туркий девони хусусида 88

ХОРИЖИЙ ШАРҚ МАСАЛАЛАРИ

Алимова Л. Конфуцианские традиции в Южно-Корейском обществе..... 100
Каримова Н. «Сиюй шуйдао цзи» Сюй Суна, как особый вид сочинений по исторической географии Центральной Азии второй половины XVIII века 108
Акрамова Ш. Стратегия Дэн Сяопина по модернизации Китая 117

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти
Илмий кенгашининг 2022 йил 26 октябрдаги 6-сонли мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия қилинди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Баҳром Абдуҳалимов *(Бош муҳаррир)*
Сурайё Каримова *(Бош муҳаррир ўринбосари)*
Салимахон Эшонова *(Масъул котиб)*
Наталья Каримова *(Рус тили муҳаррири)*
Акрам Ҳабибуллаев *(АҚШ, Инглиз тили муҳаррири)*
Аҳмедов Ашраф
Бобожонов Бахтиёр
Баҳодиров Роиқ
Бўриев Омонулло
Дагели Жанин *(Германия)*
Жуманазаров Абдусаттор
Исломов Зоҳиджон
Қориев Одил
Мўминов Аширбек *(Туркия)*
Раҳимжонов Дурбек
Султонов Ўктамбек
Ходжаев Аҳад
Юсупова Дилором
Ғуломов Санжар
Ҳасанов Маҳмуд

Манзилимиз:
100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
Телефон: *(8 371) 262-54-61,*
Факс: *(8371) 262-52-77*
E-mail: beruni1@uznet.uz

--.--.2022 йилда босишга рухсат этилди. Қоғоз бичими 70x100 1/16. “Times New Roman” гарнитураси. Шартли босма табоғи 8,25. Адади 100 нусха. Буюртма рақами №: -- . ЎзРФА “Фан” нашриётида нашр этилди.

Rayhan al-Biruni, Mahmud az-Zamahshari successfully combined scientific research with their literary activity and created unique works in both fields. These works have played a major role in the formation of spiritual and social thought and aesthetic consciousness of the peoples of the Muslim East. The literary work by Imam az-Zamahshari “Maqamat az-Zamahshari” belongs to such works which are considered “the basis of books and heritage” by the Arabs. In this article, the maqams by az-Zamahshari are viewed from the point of an organic combination of Islamic and universal values in them, conveying the spiritual ideals of their time and forming aesthetic taste. Literary works like “Maqamat az-Zamahshari” played great importance not only for the Arab-Muslim civilization, but also for the entire world literary process.

Key words: *maqam, Arabic literature, Islamic civilization, spiritual and artistic heritage, Islamic values, human values, writer, scientist.*

С. Эшонова
Д. Зокирова

Фироқий Хўқандийнинг туркий девони хусусида

Қўқон хони, шоҳ ва шоир Амир Саййид Муҳаммад Умархон (1787–1822; ҳукмронлик йиллари 1810–1822) ташаббуси билан ташкил этилган Қўқон адабий муҳити ўзбек адабиёти тарихига кўплаб истеъдодли ижодкорларни етказиб берган. Амир Умархон ҳукмронлик даврида шоирлар, тарихчилар, илм ва санъат аҳилларини ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаган, араб, форс тилларидаги кўплаб асарларни ўзбек тилига таржима қилдирган, зийнатли шаклда кўчиртирган. XIX аср I ярмида бу муҳитда асосан, девон тузиш, тазкиранавислик, назирагўйлик, қасидагўйлик, достоннавислик, тарихнавислик, зуллисонайнлик анъаналари муваффақиятли давом эттирилган [14: 7]. Кўпгина ижодкорлар нафақат шоир, адиб, балки тарихнавис ҳам бўлганлар. XIX аср II ярмидан бошлаб ёзилган шеърларда мумтоз анъаналар билан бирга Чор Россияси, шўролар тузуми давридаги сиёсий-ижтимоий ўзгаришлар ҳам ўз аксини топган [14: 7–8; 2: 113]. Матбаачилик, айниқса, мазкур даврдан чиқа бошлаган газета ва журналлар нашрининг тараққий этиши адабий ҳаётда янги даврни бошлаб берди. Улардаги мақола ва шеърларда ижодкорларнинг ижтимоий ҳаётга нисбатан муносабатлари, ижтимоий бадиий фаолиятлари ифодаланган бўлиб, улар ҳам давр

руҳияти, адабий тенденциялар ҳақида хабар берувчи манбалардан ҳисобланади [14: 8].

Қўқон адабий муҳитининг Муқимий (1850–1903), Завқий (1853–1921), Фурқат (1858–1909) каби намояндалари асарларида кўрина бошлаган маърифатпарварлик йўналиши XX асрга келиб кучайди. Иброҳим Даврон (1874–1922), Абдулла Авлоний (1878–1934), Мунаввархори Абдурашидхон ўғли (1878–1931), Мирзо Хўқандий (1880–1943), Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий (1889–1929) сингари жадид адабиёти намояндалари фаолияти, ижоди бу муҳит тараққиётини янги босқичга кўтарди.

Айни шу муҳитда тарбия топган Дўстмуҳаммад Ҳожи Муҳаммад (Ҳожиматов) *Фироқий* Хўқандий ҳам зуллисонайн шоир бўлган. У ҳақдаги дастлабки маълумотлар Пўладжон домла Қайюмийнинг (1885–1964) “Тазкираи Қайюмий” асарларида келтирилган. Унга кўра, *ахлоқи ҳамида, соҳиби меҳру муҳаббат, хушхат, хушхон, хушсуҳбат, хушчақчақ, сўзга чечан латифагўй* Дўстмуҳаммад асли Чуст қасабасидан бўлиб, 1891 йилда Мулла Ҳожи Муҳаммад оиласида дунёга келган. Бошланғич мактабни битиргач, Хўқанд шаҳридаги Занжирли мадрасасида таҳсил олган. Нафақат шариат илми, балки шарқ мумтоз адабиётига оид илмларни ҳам пухта эгаллаган, хаттотлик санъатида ҳам маҳорат ҳосил қилган. Мадрасада мавлоно Зарра билан танишиб, у кишидан шеър ёзиш илмини ўрганган [6: 643]. Фироқий оилада фарзандларнинг энг каттаси – икки укаси ва бир синглиси бўлган. Мадрасани битиргач, тақдир тақазоси билан Олмаотага йўл олади. У ерда 1925 йилда Робияхон исмли қиз билан оила қуради. 1933 йилда Қўқонга қайтиб, шаҳарнинг Сармозор даҳаси Тошкандлик маҳалласи Янги ҳаёт кўчасида яшаб, ота касби қассобчилик билан умр кечира бошлаган. Кейинроқ Қаландар маҳалла Кенгаш кўчасидаги ҳовлисида истиқомат қилган, 1965 йил 25 февраль куни 74 ёшида вафот этган [5].

Замондошлари Ёрий (1853–1944), Насимий (1866–1941), Ғарибий (1877–1961), Чархий (1900–1979), Чустий (1904–1983), ака-ука Жавдат (1905–1964) ва Собир (1905–1972) Абдулла каби шоирлар билан дўст бўлган, ижодий муносабатлар ўрнатган. Устози Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийга бир қатор шеърлар бағишлаган, унинг фожеали вафотидан сўнг дўстлари Чустий, Чархийлар билан биргаликда устозига марсиялар битган [1: 17; 4: 8].

Фироқийнинг қизи Мастура ая Назирова маълумотига кўра, ота уйида тез-тез шеърхонлик, баҳри-байтлар уюштирилган, унда кўплаб шоир ва таниқли ҳофизлар иштирок этганлар. Қўқондаги “Фурқат

боғи”да ўтказиладиган ижодий давраларда Фироқий ҳам ўз шеърлари билан қатнашган, давра марказида бўлган. Унинг “Камдан-кам”, “Таронайи баёт”, “Дўстлар” номли шеърларига куй басталаниб, Комилжон Отаниёзов, Ориф Алимаҳсумов, Эркақори Каримов каби ҳофизлар томонидан ижро этилган, бу ашулалар халқимиз орасида жуда шуҳрат топган [5].

Дўстмуҳаммад Хўқандий *Фироқий*дан ташқари *Фарҳат* тахаллусида ҳам ижод қилган [1: 17; 17: 8]. У ўзбек ва форс тилларида қалам тебратган. 1925–1964 йиллар мобайнида ёзган шеърларидан ҳар икки тилда алоҳида девон тузган. Мазкур девонлар ҳозирда унинг қизи Мастура ая Назирова шахсий кутубхонасида сақланади [3]. Қўқон адабиёт музейининг Чархий ва Фироқий шахсий архивларидаги пароканда варақларда ҳам шеърлари мавжуд. Барча қўлёзмалари дастхатлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Бундан ташқари, “Янги Фарғона” газетаси (1960–61), “Абадият дарахти” анталогияси (1989) ҳамда “Тазкираи Қайюмий”да (1998) баъзи шеърлари нашр этилган [3; 8–13].

Фироқийнинг туркий девони марка учун мўлжалланган альбомнинг катак варақларига гўзал настаълиқ хатида қора, қизил, кўк, жигарранг сиёҳларда ёзилган. Матн ҳар саҳифага 1, 2, 4 устунда 10–20 қатордан горизонтал ва қиялатиб жойлаштирилган. Барча шеърларга сарлавҳа қўйилган. Сарлавҳалар бошқа сиёҳ билан ажратилмаган. Дастхат. Саҳифалар араб рақамларида пагинация-ланган. Пойгир мавжуд эмас. 01 саҳифага кўк рангли сиёҳда “Девони Фироқий” деб сарлавҳа қўйилган. Аксарият шеърлардан кейин унинг ёзилган санаси кирилл, баъзан рим рақамларида қайд этилган. Девонга шоир 1925 йил август – 1964 йил ноябрь ойлари мобайнида ёзган шеърларини жамлаган.

Замонавий қаттиқ картонли жигарранг муқовада. Чап муқованинг қуйи қисмига рус тилида “Альбом для марок” – “Марка учун альбом” жумласи кирилл ёзувида баррельеф услубида бўрттириб ёзилган. Альбомнинг нархи кўрсатилган муҳр мавжуд бўлиб, унинг ичида “1 рубль 50 копеек” – “1 сўм 50 тийин” деган ёзув бор.

Маълумки, девон тузиш анъанасида ғазал жанри етакчи ўринни эгаллайди. Одатда девонда дастлаб дебоча (мавжуд бўлса), араб алифбоси тартибида жойлаштирилган *ғазаллар*, сўнг бошқа жанрдаги шеърлар келтирилади. Бироқ айрим девонларда шеърлар алифбо тартибида, лекин жанр жиҳатидан аралаш жойлаштирилган ёки умуман алифбо тартиби сақланмаган нусхалар ҳам мавжуд [7]. XX асрда

тузилган баъзи девонларда эса нафақат аруз, балки бармоқ вазнида ёзилган шеърлар ҳам учрайди [14].

Фироқий девонидаги шеърлар гарчи аруз баҳрида ёзилган бўлсада, алифбо тартибига риоя қилинмаган. Шеърлар ёзилган санасига кўра хронологик тартибда жойлаштирилган. Шоирнинг “Девони Фироқий” номли девонига асосан ўзбек тилида ёзилган шеърлари жамланган, лекин форсча шеърлар ҳам мавжуд. Унда шоирнинг *ғазал, маснавий, мухаммас, тахмис, мусаддас, фард, чистон,* назмий ҳикоя жанрларидаги 175 та шеъри ўрин олган. Уларнинг 149 таси ўзбек тилида, 26 таси форс тилида ёзилган.

Фироқий девонидаги шеърларнинг таркибий таснифи

№	Жанр номи	Сони ва ёзилган тили	Назира/тахмис/мушоира сони ва ёзилган тили
1.	**Ғазал**	**90 та** 81 таси ўзбекча, 9 таси форсча	Ғазал-муножот 1 та ўзбекча Ғазал-назира 3 та ўзбекча Ғазал-мушоира 7 та ўзбекча Ғазал-марсия 2 та ўзбекча
2.	**Маснавий**	**7 та ўзбекча**	
3.	**Мухаммас**	**26 та:** 25 та ўзбекча, 1 та форсча	
4.	**Тахмис**	**37 та** 24 та ўзбекча, 13 та форсча	Салмон (1 та форсча) Навоий (2 та ўзбекча) Хисрав (1 та форсча) Амирий (6 та: 4 та ўзбекча, 2 та форсча) Фазлий (1 та ўзбекча) Маҳжур (5 та ўзбекча) Мавзун (1 та ўзбекча) Шоҳий (2 та форсча) Мирзо (1 та ўзбекча) Афғон (1 та форсча), Нодирхон (1 та форсча) Комил (1 та ўзбекча) Муқимий (1 та ўзбекча) Фурқат (1 та ўзбекча) Ҳузурий (1 та ўзбекча) Ҳамза (1 та ўзбекча) Юсуф (1 та ўзбекча) Хотий (1 та форсча) Шайдо (1 та форсча) Жавдат (3 та ўзбекча) Қассоб (1 та форсча) Чархий (3 та ўзбекча)

5.	**Мусаддас**	**1 та ўзбекча**	
6.	**Қитъа**	**5 та:** 3 та ўзбекча, 2 та форсча	
7.	**Фард**	**7 та ўзбекча**	
8.	**Чистон ва унинг изоҳи**	**1 та форсча**	
9.	**Ҳикоя**	**1 та ўзбекча-форсча**	
	Жами	**175 та:** 149 та ўзбекча, 26 та форсча	

Қўқон адабиёт музейининг Чархий ва Фироқий шахсий архивларидаги пароканда варақларнинг барчаси оқиш, чизиқсиз. Шеърлар кўк, қора (1 шеър қора қаламда) сиёҳ билан настаълиқ хатида 2, 3, 4 устунда асосан қиялатиб кўчирилган. Бу архивларда шоирнинг жами 26 та шеъри сақланади.

Фироқий шахсий архивида зуллисонайн шоирнинг 11 та ғазал (8 та ўзбекча, 3 та форсча), 1 та маснавий (ўзбекча), 1 мухаммас (ўзбекча) ҳамда Навоий (1 та ўзбекча), Амирий (1 та), Муқимий (1 та), Фурқатнинг ўзбекча ғазалларига (1 та), Хотий (1 та форсча), Юсуф (1 та форсча), Афғон (1та форсча), Ҳамза (1 та), Чархий (2 та) ғазалларига боғланган 10 та тахмиси, жами 22 та шеъри мавжуд. Шеърларнинг 16 таси ўзбек, 6 таси форс тилида ёзилган.

Чархий шахсий архивидаги пароканга варақларда эса Фироқийнинг Муқимий (1та ўзбекча), Юсуф (1 та форсча), Афғон (1та форсча), Ҳамза (1 та) ғазалларига боғланган 4 та тахмиси кўчирилган. Шеърларнинг 2 таси ўзбек, 2 таси форс тилида ёзилган бўлиб, Фироқий шахсий архивидаги нусхаси билан бир хил, яъни такрор ва уларнинг айримларида Чархий учун кўчирилгани қайд этилган.

Қўқон адабиёт музейида сақланаётган пароканда варақлардаги Фироқий шеърларининг таркибий таснифи

Жанрлар	Қўқон адабиёт музейи Фироқий архивидаги пароканда варақлар КП № 6768 1934, 1958–60 йй.				Қўқон адабиёт музейи Чархий архивидаги пароканда варақлар КП № 5419-5420 1937,1958-59,1964			
	Жанр сони	Байт сони	Банд сони	Мисра сони	Жанр сони	Байт сони	Банд сони	Мисра сони
Ғазал: 8та ўзб., 3 та форс	**11**	**142**		**284**	–	–		–
Тахмис: 8та ўзб., 3 та форс	**10**	**56**		**280**	–	–		–
Амирий (ўзб.)	1	4		20	–	–		–
Муқимий (ўзб.)	1	6		30	1	6		30
Хотий (форс)	1	5		25	–	–		–
Навоий (ўзб.)	1	7		35	–	–		–
Фурқат (ўзб.)	1	5		25	–	–		–
Афғон (форс)	1	6		30	1	6		30
Юсуф (форс)	1	7		35	1	7		35
Ниёзий (ўзб.)	1	5		25	1	5		25
Чархий (ўзб.)	1	3		15	–	–		–
	1	8		40	–	–		–
Маснавий (ўзб.)	**1**	**22**		**44**	–	–		–
Жами	2	220		608	4	25		100

Энди, Фироқий шеърларининг нашрлардаги таркиби ва таснифига эътибор қаратсак. “Янги Фарғона” газетаси (1960-61), “Абадият дарахти” анталогияси (1989) ҳамда “Тазкираи Қайюмий”да (1998) шоирнинг 4 та ғазал, 2 та мухаммаси ҳамда Ниёзий (1 та), Чархий (1та), Маҳжур (1 та)

ғазалларига боғлаган мухаммаслари, жами 9 та шеъри эълон қилинган. Уларнинг барчаси ўзбек тилида ёзилган.

Фироқий шеърларининг нашрлардаги таркибий таснифи

Жанрлар	Нашрлардаги шеърлар 1960–1998 йй.		
	Жанр сони	Байт Банд сони	Мисра сони
Ғазал	4	40	80
Мухаммас	2	9	45
Тахмис	3	19	95
Жами:	**9**	**68**	**220**

Фироқий шеърлари нашрининг таркибий-таснифий қиёси

Жанрлар	Янги Фаргона 23.01.1960 № 10(6984)		Янги Фарғона 11.10.1960. № 121(7095)		Янги Фарғона 7.02.1961й № 17(7146)		Абадият дарахти 1989 й.		Тазкираи Қайюмий 3-жилд. 1998й.	
	Жанр сони	Мисра сони	Жанр сони	Мисра сони	Жанр сони	Мисра сони	Жанр сони	Мисра сони	Жанр сони	Мисра сони
Ғазал	–	–	–	–	1	28	1	10	20	32
Мухаммас	–	–	1	20	–	–	–	–	1	25
Тахмис	1	20	–	–	–	–	1	25	2	70
Жами:	1	20	**1**	**20**	**1**	**28**	**2**	**45**	**5**	**127**

Мазкур шеърлар нашри, таркибан қиёсланганда байт/банд ҳамда мисралар ўртасидаги тафовутлар ёки такрорлар мавжудлиги кўринди.

Қўқонлик жадид етакчиларидан Ҳамза Ҳакимзоданинг *Ниёзий* тахаллусида ёзган “Яхши” радифли ғазалига Фироқий боғлаган тахмиси “Янги Фарғона” газетасининг 1960 йилги сони (№ 10(6984) ва “Абадият дарахти” антологиясида нашр этилган бўлиб, газетада тахмиснинг 1 банди (5 мисра) тушиб қолган. Шунингдек, “Янги Фарғона” газетасида мухаммас номи “Яхши” (Ҳамза Ҳакимзода ғазалига шоир Фироқийнинг мухаммаси)”, “Абадият дарахти” антологиясида “Ҳакимзодага мухаммаси Фироқий” шаклида берилган. Айни шу тахмис девонда “Ҳакимзода ғазалига мухаммас” (ДФ – *Девони Фироқий*: в. 24*а*) деб номланган [1: 19,

15; 3]. “Тазкираи Қайюмий”да нашр этилган Маҳжурнинг “Майлига” радифли ғазалига Фироқий боғлаган тахмиси матнлари девондагидан фарқли [6: 648]. “Ҳакимзодага” номли ғазали қўлёзма девонда 18 байт (36 мисра), “Янги Фарғона” газетасининг 7 февраь 1961 йилдаги сонида эълон қилинган нусхасида 14 байт (28 мисра)дан иборат, 4 байт (8 мисра) тушиб қолган, нашрдаги 4 мисра матни қўлёзма нусхасидан буткул фарқ қилади [11].

Юқоридаги жадваллар орқали қўлёзма девон, пароканда варақлар ва нашрлардаги шеърлар таснифи келтирилгани боис, тадқиқот манбалари умумий таснифи қиёсида ишни осонлаштириш мақсадида Фироқийнинг қизи Мастура ая Назирова шахсий кутубхонасида сақланаётган дастхат девонини (ДФ) тўлиқ бўлгани учун таянч манба сифатида танлаб, шартли – А ҳарфи билан белгиладик. Ғ.Ғулом номидаги Қўқон адабиёт музейида сақланаётган Чархий ва Фироқий шахсий архивидаги пароканда варақларда сақланаётган Фироқий шеърларини умумлаштириб – В ҳарфи билан, нашрлардаги шеърларни умумлаштириб – С ҳарфи билан белгилаб, ёрдамчи манба сифатида таснифладик.

Фироқий шеърларининг умумий таркибий-таснифий қиёси

Жанрлар	Таянч манба: ДФ – А			**Б**			**С**		
	Қўқон ш. М.Назирова ш/к 1925–1964 йй			Қўқон адабиёт музейидаги пароканда варақлар 1934–1960 йй			Нашрлардаги шеърлар 1960-61, 1989, 1998 йй.		
	Жанр сони	**Байт Банд сони**	**Мисра сони**	**Жанр сони**	**Байт Банд сони**	**Мисра сони**	**Жанр сони**	**Байт Банд сони**	**Мисра сони**
Ғазал	90	860	1720	11	142	284	4	40	80
Маснавий	10	116	232	1	22	44	-	-	-
Мухаммас	26	400	800	-	-	-	2	9	45
Тахмис	37	252	1260	10	56	280	3	19	95
Қитъа	5	19	3	-	-	-	-	-	-
Фард	7	7	16	-	-	-	-	-	-
Назмий-насрий ҳикоя	1		2/52	-	-	-	-	-	-
Жами:	**175**		**4099**	**22**	**220**	**608**	**9**	**68**	**220**

Ушбу таркибий-қиёсий жадвалдан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, Фироқий томонидан туркий деб номланган девонига 4099 мисрадан иборат жами 175 та шеър жамланган, улардан 149 таси ўзбек, 26 та форс тилларида ёзилган. Шеълар 1925–1964 йиллар мобайнида яратилган. Мазкур шеърларнинг шоир томонидан кўчирилган 608 мисрадан иборат 22 та нусхаси Қўқон адабиёт музейида сақланади. Бу шеърларнинг 16 таси ўзбек, 6 таси форс тилида ёзилган. Матбуотда эълон қилинган 220 мисрадан иборат 9 та шеърининг барчаси ўзбекча. Шеър нусхаларининг таркиби, мисралар жойлашуви, сони, сўз ва ибораларида тавофутлар мавжуд. Улар кейинги тадқиқотларда қиёсланади.

Фироқий XIX аср охирлари – XX аср бошларида шаклланган адабий тамойиллар руҳида тарбия топди. У ҳам Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Ғарибий, Ёрий, Чархий, Чустий каби ижтимоий-сиёсий тузум алмашинувларига шоҳид бўлди. Табиийки, бу ўзгаришлар шеърларида ўз аксини топган. Унинг шеърларида мавзулар ранг-баранг, анъанавийлик ва ижодийлик, жадидона руҳ ва ижтимоий ҳаётдаги воқеалар ўз аксини топган. Шеърлари мажозий ва илоҳий ишқ, ахлоқий-маърифий, ижтимоий ҳамда ватанга муҳаббат мавзуларида ёзилган.

Фироқий яратган жозибадор мисраларидан Шарқ поэзияси сирларини пухта эгаллагани, айниқса, тахмис боғлашда алоҳида иқтидорга эга эканини кўриш мумкин. Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Қўқон адабий муҳитига мансуб шоирлар асосан Навоий, Фузулий, Амирий ғазалларига кўпроқ тахмис боғлаганлар. Фироқий эса, нафақат бу шоирлар, балки Салмон Соважий, Шоҳий, Хисрав каби форс классиклари ғазалларига ҳам мухаммас боғлаб, улардаги руҳ, услуб ва мазмунни тадриж эттира олгани унинг юксак адабий маҳоратидан дарак беради.

Ўзбек адабиёти тарихида XIX–XX аср Қўқон адабий муҳитида етишиб чиққан кўплаб муаллифлар ижоди мустақиллик даврида тадқиқ этилди. Муайян сабаблар туфайли эътибордан четда қолган Мулла Ҳожи Муҳаммад ўғли Дўстмуҳаммад Фироқий каби шоирнинг мавжудлиги мазкур даврни янада кўпроқ ўрганишимиз лозимлигини кўрсатмоқда. Зеро, илк бора тадқиқот объекти сифатида илмий истифодага киритилаётган Фироқий адабий мероси XX асрдаги мураккаб адабий-сиёсий жараёнларни ёритишда, Қўқон адабий муҳити ҳамда ўзбек мумтоз адабиёти тарихини тўлдиришда муҳим манба сифатида айниқса аҳамиятлидир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абадият дарахти / Тузувчи: Н Лукашов, Ҳ.Саидғаниев, Тошкент, 1989.
2. Воҳидов Ш. Қўқон хонлигида тарихнавислик. Тошкент, 2010.
3. Дўстмуҳаммад Хожиматов. Девони Фироқий // Шоирнинг қизи Мастура ая Назирова шахсий кутубхонаси.
4. Зоҳидова Д. Ғарибий ва унинг девони / филол. ф.н. ... дисс, автореферати. Тошкент, 2006.
5. Мастура ая Назирова хотираси // Дала экспедицияси. 3.01.2020/ С. Эшонова шахсий кутубхонаси.
6. Пўлатжон Домулла Қайюмов. Тазкираи Қайюмий / Нашрга тайёрловчи: акад. А. Қаюмов. III жилд. Тошкент, 1998.
7. Собрание восточних рукописей Академии наук Республики Узбекистан. Литература (Диванй)/Подготовка к изданию: Х. Лутфиллаев, С. Эшонова, О. Мадалиева. Ташкент, 2017.
8. Фироқий архиви. Ғафур Ғулом номидаги Қўқон адабиёт музейи фонди, КП № 5420.
9. Фироқий архиви. Ғафур Ғулом номидаги Қўқон адабиёт музейи фонди, КП №6768.
10. Фироқий. Пахтага. // Янги Фарғона. 1960 йил, 23 октябрь, №121 (7095).
11. Фироқий. Ҳакимзодага. // Янги Фарғона. 1961 йил, 7 февраль, №17 (7146).
12. Фироқий. Яхши. (Ҳамза Ҳакимзода ғазалига Фироқий мухаммаси) // Янги Фарғона. 1960 йил, 23 январь, №10 (6984).
13. Чархий архиви. Ғафур Ғулом номидаги Қўқон адабиёт музейи фонди, КП №5419.
14. Эшонова С. Қўқон шоиралари Нисо ва Хоний / филол. ф.н. ... дисс. ТашДМУ, 2007.

С. Эшонова
Д. Зокирова

Фироқий Хўқандийнинг туркий девони хусусида

Қўқон адабий муҳитида ўзбек мумтоз адабиёти анъаналари, хусусан, қасиданавислик, бошқа шоирлар ғазалларига назира, татаббуъ, тахмис боғлаш, девон тузиш жуда ривожланган ва улар XX асрда ҳам бир қатор ижодкорлар томонидан давом эттирилган. Мана шундай издошлардан бири Қўқонда яшаб ижод этган Дўстмуҳаммад

Фироқий (1891–1965) бўлиб, у ўзбек ва форс тилларида ёзган шеърларидан девон тузган. Мазкур девонлар ҳозирда унинг қизи Мастура ая Назирова шахсий кутубхонасида сақланади. Айрим шеърлари Қўқон адабиёт музейининг Чархий ва Фироқий шахсий архивларидаги пароканда варақларда ҳам мавжуд. Барча қўлёзмалари дастхатлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Бундан ташқари, "Янги Фарғона" газетаси (1960–61), "Абадият дарахти" антологияси (1989) ҳамда "Тазкираи Қайюмий"да (1998) нашр этилган баъзи шеърлари ҳам бизгача етиб келган.

Мақолада Дўстмуҳаммад Фироқий Хўқандийнинг ҳаёт йўли, адабий мероси ва уларнинг қисқа тасвифи, таснифи, шеърияти мавзуси, жанр хусусиятлари ҳақида сўз боради. Шоир шеърларининг Қўқон адабий муҳитида, умуман мумтоз адабиётда тутган ўрни кўрсатиб берилади.

Калит сўзлар: *Қўқон адабий муҳити, Амир Умархон, Дўстмуҳаммад Фироқий Хўқандий, дастхат, Қўқон адабиёт музейи, "Янги Фарғона", "Абадият дарахти", "Тазкираи Қайюмий".*

С. Эшонова
Д. Зокирова

О тюркском диване Фираки Хуканди

Как известно, в литературной среде Коканда были развиты традиции узбекской классической литературы – сложение *касид* и *диванов*, подражание *газелям* известных поэтов в форме *назира*, *татаббуъ*, *тахмис*. Впоследствии в XX веке эта традиция была продолжена рядом поэтов. Одним из таких продолжателей выступил кокандский поэт Дуст-Мухаммад Фираки (1891–1965), творивший на узбекском и персидском языках. В частности, два дивана Фираки в настоящее время хранятся в личной библиотеке его дочери Мастуры Назировой. Более того, некоторые образцы стихотворного творчества Фираки в виде отдельных разрозненных листов можно встретить в Литературном музее Коканда в архивах Фираки и Чархи. При этом особого внимания заслужает то обстоятельство, что все указанные рукописные произведения Фираки представляют собой автографы. Помимо этого, до наших дней дошли стихи Фираки, опубликованные в газете «Янги Фаргона» (1960-61), антологии «Абадият дарахти» / (1989) и «Тазкира-и Кайюми» (1998).

Таким образом, в статье говорится о жизненном пути Фираки, его литературном наследии, тематике поэзии и её жанровых

особенностях. Рассматривается роль литературного наследия поэта в кокандской литературной среде и в классической литературе в целом.

Ключевые слова: *литературная среда Коканда, Амир Умар-хан, Дуст-Мухаммад Фираки Хуканди, автограф, Кокандский литературный музей, «Янги Фаргона», «Абадият дарахти», «Тазкира-и Кайюми».*

S. Eshonova
D. Zokirova

About the turkic divan by Firaki Khukandi

As one may know, in the literary milieu of Kokand, the traditions of Uzbek classical literature were very developed, in particular, kasidanavi, gazelles of famous poets, tatabbu, tahmist, written divans, which were later continued by a number of poets back in the 1920s. One of these followers, Dostmuhammad Firaki (1891–1965), who lived and worked in Kokand, wrote a divan in Uzbek and Persian. These divans are currently kept in the personal library of his daughter Mastura Nazirova. Some of his poems are also available on scattered pages in the personal archives of Charkhi and Firaki of the Kokand Literary Museum. All manuscripts have a special meaning in their writing. Also, poems and stories published in the newspaper Yangi Fergana (1960-61), an anthology Tree of Eternity (1989), and some poems published in Tazkira-i Kayumi (1998) have survived in prose to this day.

The article talks about the life path of Dostmuhammad Firaki Hkukandi, his literary heritage, their brief description, the theme of his poetry, genre features. The role of the literary heritage of the poet in the Kokand literary milieu and in classical literature in general is clearly shown.

Key words: *literary milieu of Kokand, Amir Umar-khan, Dostmuhammad Firaki Hkukandi, autograph, Kokand Literary Museum, "Yangi Fergana", "Tree of Eternity", "Tazkira-i Kayumi".*